

# Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

## ШАРТНОМА

28«10»2022 yil.

76-11-165-OB/2022-son

Бундан бўён “Буюртмачи” деб аталувчи “Ёзёвон тумани ободонлаштириш бошқармаси” номидан Низом асосида иш юритувчи директор **О.Холматов** биринчи томондан ва иккинчи томондан “Бажарувчи” деб аталувчи “**QURUVCHI-ME'MOR SERVIS**” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрадиган директор **М.Мелиқўзиева** орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қўйидаги шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи” Ёзёвон тумани Сойбўйи МФЙ худудидаги Янги Ўзбекистон боғига тик сизот сув қудуғи қазиш ишларини лойиха смета ва экспертиза хужжатларини ишлаб чиқиш ишларини топширади, “Бажарувчи” эса ўз зиммасига олади.

### 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг уммумий баҳоси 23 950 000,00 ( Йигирма уч миллион тўққиз юз элик минг ) сўмни ташкил қиласи. Шундан ҚҚС суммаси 3123913,04 сўмни ташкил қиласи.

2.2. “Буюртмачи” 10 (ўн) банк куни ичидаги шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар кийматини кўпайтиришга енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

### 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг 30 кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” лойиха смета хужжатлари қайта ҳисоблангандан сўнг лойиха хужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишини ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган

ишлиарни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтқазилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва туталлаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

#### **4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚҰШИМЧА ШАРТЛАР**

Тарафлар шартнома түзишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сүнг, шартнома билан боғлик коррупцияйи ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши құшимча шартларда белгиланган корруцсиянинг олдини олиш чораларни тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматлйклар олинишга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигичи, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

Тарфнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичиде тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор килмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ коплаб беришни талаб килишга ҳакли.

#### **5. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар “Буюртмачи” ишларни қабул килган кундан бошлаб 10 кун муддат ичиде “Бажарувчи”га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган хисобланади ва бундай ҳолатда “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариши шарт.

4.3. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган құшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиши муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараённида уни давом эттириш мақсадга мувофик әмаслиги ачикланса, томонлар 5 кун муддат ичиде уни тўхтатиш тўғрисида бир-бiriни хабардор қилиши ва 15 кун ичиде ишларни давом

эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро хисоб-китоб қилиш вақти хисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## **6. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш**

5.1. Ишлар бажарилған даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлинини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **7. Кўшимча шартлар**

6.1. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласида ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равища ўзгартиришлар ва кўнимчалар киритилиши мумкин.

6.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равища жалб қилиш хукуқига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва “Бажарувчи”нинг обьект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

Келингувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иқтисодий судда эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиласи. Эътирозлар ёзма равища тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиши муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда хал қилинади.

6.5. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов ва “Бажарувчи” томонидан ишлар тоғирилганда шартлаштилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (үттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлап “Буюртмачи”ни тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод китмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятининг шартномавий – хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофик белгиланади.

6.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Газначилик Бонқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин қонуний кучга киради ва 2022 йил 31°декабргача амал қиласи.

### 8. Томонларниң манзили ва ҳисоб рақамлари

#### «БҮЮРТМАЧИ»

“Езёвон тумани ободонлаштириш бошқармаси”  
Манзил: Езёвон туман, 3 Хидоят к-си 1-й  
ОКОНХ: 90211  
ИНН: 205 487 975  
ШХР: 100022860302427049801110001

Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги Ғазначилиги  
х/р: 23 402 000 300 100 001 010  
МФО: 00014, ИНН: 201 122 919  
Банк: ХККМ МБ Тошкент шахри Бош  
бошқармаси

#### «БАЖАРУВЧИ»


“QURUVCHI-ME'MOR SERVIS” МЧЖ  
AVG'ONBOG' KO'CHASI, 77A-UY  
Х/р: 20208000800581646001

Тошкент Ш АТ Алоқабанк бош  
офиси  
МФО: 00401  
СТИР: 303769550

Директор  М.Мелиқўзиева



Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR  
Code ni skanerlang.

	Imzolovchi F.I.SH.	OBOBAKIR XOLMATOV AXMADJONOVICH
	Imzoiangan sana	28.10.2022 06:28
	Hujjat kodi	CH7670424734
	Hulosha kodi	XR6030626312

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

XR6030626312

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Yozyovon tumani Soybo‘yi MFY xududidagi Yangi O‘zbekiston bog‘iga tik sizot suv qudug‘i qazish ishlarini bajarish haqida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Yozyovon tuman obodonlashtirish bo‘limi tomonidan 26.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yozyovon tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



**A.A.GULAMOV**

27.10.2022